

Итальян адабиёти ҳам эврилиш мавзуси соҳасида Юнонистондан қолишмайди. Ромулус Римни барпо этади ва ўзи худога айланиб, самога учиб кетади. Етти аср ўтгандан кейин эса Юлий Цезар Римни фуқаролар жангидан қутқариб, самога юлдуз бўлиб учиб, худога айланганлиги айтилади.

Грек олими Пифагор эврилиш тўғрисида кўп фикрларни айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича: «Рухдан ўзга нарса абадий эмас. У яшайди, ўзгармайди, фақат янгиликдан завқланиб, ўтмишни унутиб, ташқи қаватини ўзгартириши мумкин. Барча тана, ҳар қандай жонзот, ҳар қандай модда ўзгарувчан. Барча нарса оқиб боради, дақиқалар, соатлар, кунлар, фасллар, инсон умри ҳам ўзгариб боради. Ер сувга, сув ҳавога, ҳаво оловга айланади ва яна олов булутли момақалдиروққа ўхшаб, булутлардан ёмғир ёғади ва бу ёмғир сувларидан ер яна жонланади» ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, «Метаморфозалар» асари Овидий ижодида алоҳида ўрин тутди. Ҳатто бу асар шоир ижодининг юсак чўққиси ҳисобланади. Албатта, бундай бўлишида унинг таркибидан ўрин олган эврилиш мотивидаги афсоналарнинг ўрни ва аҳамияти бор.

АДАБИЁТЛАР

1. Овидий П.Н. Метаморфозы – М.: Белый город, 2008.
2. Публий Овидий Назон. Метаморфозы/ Пер. С.В.Шервинского. – М.: Художественная литература, 1983.
3. Лосев А.Ф. Овидий //Античная литература: Учебник для студентов пед.институтов. – М.: Просвещение, 1986.
4. Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш ҳаёллар. – Т.: Ёш гвардия, 1985.
5. Қувватова Д. Ўзбек фантастикасида эврилиш мотиви // Илм сарчашмалари, 2004. – 3 сон.
6. Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи, 2002. 1-сон.
7. Гўзалов Ф. Сеҳрли эртақларда эврилиш ва унинг архаик шакллари. – Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – 4-сон.
8. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Ленинградский университет, 1986.
9. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ushakov/859170>
10. <https://kartaslov.ru/значение-слова/метаморфоза>

УДК: 415.61/494.351

“ОЛТИН ЗАНГЛАМАС” РОМАНИДА БАДИИЙ-ТАСВИРИЙ МАҲОРАТ ХУДОЖЕСТВЕННО-ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ МАСТЕРСТВО В РОМАНЕ “ЗОЛОТО НЕ ПОМЕРКНЕТ”

ARTISTIC-PORTROYAL SKILL IN THE NOVEL “GOLD UNRUST”

Болтаева Барно Исоқуловна

ЖДПИ бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Исмоилова Муҳайё Абдуқодир қизи

ЖДПИ талабаси

Таянч сўзлар: образ, фразема, тасвирий восита, ташбеҳ, халқ мақоллари жонли чизгилар.

Ключевые слова: образ, фразема, сравнение, изобразительное средство, народные поговорки, живое рисование.

Key words: image, phrase, descriptive means, simile, national sayings, live drafts.

Ушбу мақолада “Олтин зангламас” асари мисолида Шухратнинг бадиий тасвир маҳорати хусусида сўз юритилади.

В данной статье рассмотрены особенности создания художественных образов на примере романа Шухрата “Золото не померкнет”.

This article describes the features of creating artistic images on the example of Shukhrat's novel “Gold unrust”.

Кириш. Адабиёт – инсоншунослик бўлганлиги учун қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси билан бирга унинг маънавий дунёси, психологиясини ҳам ишонарли ва таъсирли қилиб тасвирлаб бериш ёзувчилар олдида турган энг қийин, энг шарафли вазифалардан ҳисобланади. Бадиий асарнинг образлилиги, эмоционаллиги ва таъсирчанлигини таъминлаб берувчи асосий омил тасвирий воситалар, халқ тилидаги ибораларни кенг ва ўринли қўллаш билишдир.

Асосий қисм. Шухратнинг “Олтин зангламас” романи қатағон йилларининг, уруш давридаги фронт воқеаларининг ҳаққоний тасвири ва унинг фронтдан анча олисда бўлган Ўзбекистондаги акс-садоси ёрқин очиб берилган энг сара асарлардан бири бўлиши билан биргаликда тил хусусияти билан ҳам ажралиб туради. Асарда бадиий тасвир воситаларидан характерларни очиб бериш, қаҳрамонлар ҳолатини ифодалаш, воқеа-ҳодисалар моҳиятини акс эттиришда самарали фойдаланилган. Шуни айтиб ўтишимиз лозимки, Шухрат биринчи навбатда шоир сифатида шухрат қозонган эди. Лирикада унумли қалам тебратганлиги сабаблими, унинг насрий асарларида ҳам шоирона ҳарорат яққол сезилиб туради. Теша тегмаган ташбеҳлар, бадиий кўчим, ирсоли масал, киноя санъати билан биргаликда халқ мақоллари ва иборалари яққол кўзга ташланади. Ёзувчи бу воситалар орқали асар тилининг халқчиллиги, тасвирнинг ҳаққонийлигига, ҳаёт ҳақиқатининг образли акс этишига, тасвир шунчаки баёнчиликка асосланиб қолмасдан, балки эстетик баҳолаш асосида амалга оширилишига эришган.

Асарда балоғатга етган кизнинг “*буғун тушдан кейин дум бераман*” [1, 8] деб турган қовунга ўхшатилиши кутилмаган ташбеҳ бўлса, кўнгилга хуш келган одамга нисбатан “кўнгли сув ичмоқ” ибораси ёки хушомад қилишга эса “қўлтиғига сув пуркамоқ” ибораси жуда топиб ишлатилган. Қодирнинг севган қизи” Азизани қайта топгандаги ҳолатини ифодаланишига эътибор қаратайлик: “*У олтин узугининг сувга тушиб кетган зумрад кўзини толган эди*” [1, 32]. Ошиқ йигитнинг қувончини акс эттириш учун бу ғоят ҳаққоний тасвир. “Олтин зангламас”ни ўқишимиз баробарида бош қаҳрамонлардан тортиб, оддий персонажлар моҳиятигача усталик билан кўрсатилганлигига гувоҳ бўламиз. Ўта худбин ва манфаатпараст Мирсалим образига “илоннинг ёғини ялаган” деб ёки мактабнинг хўжалик ишларидан бўйин товлаши “ёзда қўли совуқ қотади” ибораси орқали киноя қилиниши, айнан шу қаҳрамон тилидан шўро ҳукуматининг “*ичи пўк дарахт*”га қиёсланиши ўқувчи идорокида ёрқин тасаввур беради. Ёзувчи Мирсалим характерида ижтимоий муҳитни моҳирлик билан кўрсата олган. Шунингдек, асар давомида Мирсалимнинг ўзи ҳам “*ичи пўк дарахт*” эканига ишона борамиз. Ичи бўш дарахт узоқ яшамагани каби шўро давлатининг ва мирсалимларнинг умри ҳам узоққа чўзилмади.

Жаннатнинг бахтига эга чиққан Мушарраф образи ўрик дарахтининг бўй етадиган пастки шохига ўхшатилади. Гарчи бу “шох”ни тортсанг “юқорисидагилар” ўзи эгилишига ишора қилинган бўлса-да, унга ҳар кимнинг қўли етади, деган маъно яширинган. Бу ўхшатиш ҳам асарда ахлоқи бузуқ ва маънавияти паст бўлган Мирсалим тилидан берилади. Аслида бу шохни пастга эгиб қўйган шахсга нисбатан “*илоннинг ёғини ялаган*” ибораси ҳақли ишлатилган.

Бош қаҳрамон Содиқ болалик хотираларини эслар экан, ҳар доим чўнтаги бўш бўлган дадасини “*чўнтагида шамол ўйнайди*” деб хотирлайди [1, 132]. Эътибор берадиган бўлсак, бу каби иборалар кўпчиликка таниш эмас. Бу иборанинг умумтилда “*калласида шамол ўйнайди*” варианты мавжуд ва у “калласида ҳеч нарса: фикри, ақли, билими йўқ, бўм-бўшлигидан бемалол шамол кезиб юради” маъноларини англатади. Бу ибора Тоғай Мурод асарида ҳам учрайди. - *Московга ўз-ўзидан чойчақа узатиб... Ўзбекистоннинг калласи шамолда қоптими? Москов қўл чўзадики-Ўзбекистон садақа беради!* [2, 249]. Муаллиф иборага ижодий ёндашиб окказионал ибора яратади.

Содиқ ўз тинчлиги йўлида онасини сўкишгача борган, фашист томонга сотилаётганда отиб ўлдирилган салбий образ Диловархўжани “*унча-мунча тош билан чақилмайдиган ёпишқоқ ёнғоқ*” эдимиз деб ўй суради. “*Буларнинг оғзи теккан сув ҳаром бўлади, оёқ изи тушган тупроқда гиёҳ унмайди, нигоҳ ташлаган боғи қуриб, гулнинг исини, ҳаётнинг баҳорини ўғирлайди*” [1, 85] деб ёзар экан ёзувчи бу орқали ўқувчида ҳам унга нисбатан нафрат туйғусини кўзғайди. Бу орқали матннинг маъно эмоционаллигини оширади. Ёзувчи уруш тавсифига тўхталар экан, уни жуда жонли чизгиларда акс эттиради. “*Урушга*

тили йўқ дов-дарахтлар, бегуноҳ ер-у паст-баландликлар ҳам қатнашади, улар ҳам инсондек жароҳат топади, сафдан чиқади, бир умр ногирон бўлиб қолади. Уруш пайтининг гул-у чечагидангина эмас, унинг музикасидан, ашуласидан ҳам порох ҳиди келади” [1, 167]. Шухрат уруш ваҳшатини ўз кўзи билан кўрган ёзувчи сифатида (“Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман” Таржимаи ҳолидан) жанг тасвирларини реал кўрсатиб бериш билан бирга ижодкор сифатида бадиий жиҳатдан ҳам маҳорат кўрсата олган.

Олижаноб инсон ва фидойи ўқитувчи, ҳақиқий ватанпарварлик намунасини кўрсатган Содиққа нисбатан “Асл айнимас, олтин зангеламас” мақоли ишлатилган. (Тўғри, Содиқ ўз давридаги ижтимоий тузумнинг содиқ ўғлони сифатида гавдаланади. Лекин бадиий асарга яратилган давр нуқтаи назаридан қараб чиқамиз.) Бу мақолнинг “сарёф сасимас, асал айнимас” варианты ҳам кенг қўлланилади. “Чироқнинг сасиб узоқ ёнгани эмас, қисқа бўлса ҳам чарақлаб, барчанинг дилини ёритиб ёнгани инобат” [1, 78]. Содиқ шундай чироққа қиёсланади. Қодир қиёфасида ғурурли ўзбек йигити “оғзинг тўла қон бўлса ҳам душманинг олдида туфурма” мақоли орқали гавдалантирилган. Қодир орномусли инсон сифатида бутун умр шу мақолга амал қилиб яшади. Мисоллардан кўраяпмизки, адиб халқ оғзаки ижодидан ҳам тасиврланаётган воқеликнинг моҳиятини очиб беришда кенг фойдаланган. Чунончи, “Тош тушган ерига оғир”, “Хотинни ёшидан, болани бошидан кут”, “Кал тарангунча тўй тарқалади”, “Чўғни қоғозга ўраб бўлмайди”, “Куч эмаганни сўз эгади”, “Туянинг пайпоғи, отнинг одими улкан”, “Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан”, “Омади кетган кишининг аталадан тиши синади”, “Қиз хотин- уй хотини, жувон хотин-ўй хотини”, “Кўп йиғлаган боланинг кўзи қора бўлади” (Бу мақол Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор” қиссасида ҳам қўлланилган), “Эрка қилиб боқилган текис ерда қоқилар”, “Кетмоннинг дамини босмаса сопи пешонага тегмайди”, “Итнинг тили теккан билан дарёнинг суви ҳаром бўлмайди”, “Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас” (Бу мақолнинг “Тўрға тушган балиқ қармоқдан чўчимайди” окказионал варианты ҳам қўлланилган), “Бўз кўйлакка садаф туғма ярашмайди”, “Бўз кўйлак эт қичитади”, “Темирни занг, одамни ғам қаритади”, “Олма пиш, оғзимга туш”, “Баҳорда лой кечган, кузда мой чайнайди”, “Аҳмоқ бош оёққа тинчлик бермайди”, “Осмонга туфласанг, бетингга тушади”, “Арғамчига қил қувват”, “Пес пес билан қоронғуда топишади”, “Ҳайт” деган туяга қувват”, “Дунёга ўт кетса кетсин, менинг кабобим пишса бас”, “Пичоқ ўз сопини кесмайди”, “Сабабсиз шудгорда кўйруқ ётмайди” каби қатор мақоллар ўринли қўлланилган. Мақоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ёзувчининг ўзи ҳам умумтилда мавжуд мақол структураси асосида янги окказионал мақоллар яратган. Бу мақоллар шу матндагина мавжуд бўлиб, ундан ташқарида йўққа чиқиши мумкин. Масалан, “Тўрға тушган балиқ қармоқдан чўчимайди” мақоли “ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас” мақоли асосида яратилган бўлса, “дунёга ўт кетса кетсин, менинг кабобим пишса бас” мақоли “Дунёни сув босса ўрдакка не ғам” мақоли асосида яратилган ва ҳоказо.

Асарни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўзбек ёзувчилари ичида Шухрат халқ ибораларидан кенг ва самарали фойдаланиш билан бирга, уларда айрим ўзгартиришларни ўринли қўллаганлигини кўришимиз мумкин. Қуйидаги мисолларда ҳам умумтил фразеологизмлари таркибига бирикмаларни қўшиш билан стилистик маҳсулдорликка эришилган. У умрида эркак йиғисидан кўрқади, эркак бағри сув бўлиб, эзилиб оққандай йиғлайди [1, 37]. Мисолда умумтилдаги “бағри эзилмоқ” фразеологик бирлигининг таркибига “сув бўлиб оқмоқ” бирикмасининг киритилиши билан унинг анъанавий таркиби ўзгартирилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Баъзан умумтил фразеологизмлар таркибига турли ўхшатишли конструкциялар киритилиши билан фразеологизмлар мураккаблашади: Кўзи уришқоқ хўрознинг тожисидай қонга тўлди [1, 113]. Мисолдан умумтилдаги “кўзига қон тўлмоқ” фразеологизми таркибига “хўрознинг тожисидай” ўхшатишли конструкциянинг киритилганлиги аён бўлаётир.

Нутқда фразеологизмларнинг ўзгартириш услубларидан яна бири фразеологик конвергенциядир. Бу услуб бир матнда икки ёки ундан ортиқ фразеологик услубларни бирлаштириш асосида юзага келади. Бу бирлаштириш эса фақат бир матн доирасида юз бермоғи лозим. Масалан: ...Ўғлим бечора ҳеч ўдағайламайди-ку, ўзи йўқнинг мунча орқасидан тош отасиз [1, 117]. Бу матнда муаллиф томонидан бир неча фразеологик

услугларни бирлаштирган ҳолда индивидуал муаллиф сўз бирикмаси юзага келади. Услугларни бирлаштириш қуйидагича юз беради: биринчидан икки фразеологизм қисмларини туташтириш асосида янги индивидуал-муаллиф сўз бирикмаси юзага келади: (умумтилдаги “ўзи йўқнинг кўзи йўқ” фразеологизмининг “орқасидан тош отмоқ” фразеологизмларининг қисмларини қўшиш асосида янги сўз бирикмаси юзага келади. Тилда бу ҳодисани контаминация деб аташади. Иккинчидан эса оддий киритма асосида (*мунча* сўзининг фразеологизм таркибига киритилиши) бу фразеологизмларнинг умумий маъноси кенгайтириш кузатилади. Демак, бир матн доирасида бир йўла икки услуб қўлланиши асосида фразеологик конвергенция юзага келади.

Ўзбек ёзувчилари ичида Шухрат образли ибораларни қўллаш ва шу иборалар асосида янги индивидуал-муаллиф фразеологизмлар яратиш устаси ҳисобланади [3, 107]. “Олтин зангламас” романида қуйидаги фразеологик конвергенция услубидан унумли фойдаланади: *Эркалаб боқилган, текис ерда қоқилар деб шунини айтади. Майли, унга сабоқ бўлди, энди қатикни ҳам пуфлаб ичади* [1, 45-122]. Бу матнда ёзувчи умумтилдаги “аяган кўзга чўп тушар” мақол типдаги фразеологизмни тўлиқ янгилаб, уни шу фразеологизмга маънодош бўлган индивидуал-муаллиф фразеологизмига трансформация қилади. Бу биринчи услуб. Иккинчи ҳолатда эса тилда мавжуд бўлган “оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади” фразеологизмининг “оғзи куйган” компонентини тушириб қолдирган ҳолатда қўллаб, эллипсис услубидан унумли фойдаланади.

Қуйида бир матнда ишлатилган икки фразеологизмлар маъноси жиҳатидан бири-бирини тўлдирди. Бу эса ёзувчига персонаж нутқини юқори савияда тасвирлаш имконини беради: *“Кафан кийган кетади, капалак кийган келади деб туриб олди, ҳамон умид қилади. Кўпригини тузатаман деб тегирмонга тушиб кетган. Унинг тегирмонидан омон чиқмаганлар озми?”* [1, 134]. Бу ҳолатда тилда мавжуд бўлган “қош қўяман деб, кўз чиқармоқ” фразеологизми асосида ёзувчи янги окказионал характердаги “кўпригини тузатаман деб, тегирмонига тушиб кетган” индивидуал-муаллиф фразеологизмининг яратади. Бу билан ёзувчи маълум стилистик маҳсулдорликка эришади.

Қуйидаги мисолда эса умумтилдаги “ғишт қолипдан кўчди” фразеологизми эллиптик ҳолатда қўлланилади: *Шунинг учун сотиб келинган ҳовли пулининг чўғи учинини кўриб, ота “қўли очиқ” ўғлидан ўпкалади. Бу оиланинг тинч кўрғонидан илк ғишт кўчиши эди. Кейинчалик ғишт эмас, бус-бутун деворлари ларзага кела бошлади* [1, 137]. Биринчи ҳолатда умумтилдаги “ғишт қолипдан кўчди” фразеологизми эллиптик ҳолатда ишлатилган бўлса, кейин эса ёзувчи тасвирлаш маҳоратини кўрсатиб, “ғишт” сўзини перефраза услубига кўра ишлатган. Матнда келтирилган кейинги “бутун-бутун деворлари ларзага кела бошлади” “ғишт қолипдан кўчди” фразеологизмининг маъно жиҳатдан давоми ҳисобланади. Муаллиф фраземаларни тасвирийлик имкониятларига актуаллаштириш стилистик услубидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришадилар. Масалан: *У дунё-ю, бу дунё косаси оқармайди, оқартиришмайди; ўзиники оқармагани оқармаган, бизга ҳам касри уради. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин, айт, тайинлаб айт қизингага* [1, 142]. Эътибор қилинг: “оқармайди”, “оқартиришмайди”, “оқармагани оқармаган”. Бу ўринда ёзувчи умумтилдаги фраземанинг айрим компонентларини актуаллаштириш ҳисобига матннинг умумий маъносини кучайтиради, конкретлаштиради. Бу албатта, ёзувчининг ибораларни қай йўсинда қўллаш ва ундан қай ҳолатда фойдаланиш маҳоратига боғлиқдир.

Асар матнида учрайдиган “*аччиқ данакдек меъдасига ботмади*”, “*муҳокама қилган сари тузланган гўшт чайнагандек тагидан мазаси чиқиб келарди*”, “*ўз қўлининг тирсагидай тишполмайди*”, “*калтакланиб ташланган кишидек гангиб қолди*”, “*мушукнинг жунини тескари силагандек ёқмаган*”, “*пишган ошдек нарсаман, бир куни лиқ этиб ўтаман-кетаман*”, “*у соясида ўтирган дарахтнинг шохига беижозат қуш қўнолмайди*”, “*ҳақиқат-ўқ данак*”, “*қишининг гули -олов, ҳам ўзинини, ҳам кўзинини яшнаатади*”, “*бегона кўрага кириб қолган итдек думинг қисиқ*”, “*дарёнинг бир четидан оқимдан узилиб, бир жойда айланаётган чўпдек*”, “*киши умри-бир қултум сув, қилт этти, вассалом*”, “*тойланган пахтадай бўш*”, “*йўнмаган таёқдай бесўнақай*”, “*кўзи очилган кўрдек қаёққа боришни билмасдинг*”, “*баданини чумоли талагандек тирноғига жунжикиб кетди*” ва “*нина ютган итдек бетоқат*” каби ибора ва ўхшатишлар асар эмоционаллигини янада бойитган. Айниқса, Содиқнинг тилаб олинган ўғли Маратнинг тили жуда чиройли тарзда

ифода этилган. Эшикнинг “қўлидан ушлаб тортиши”, муқоваси йиртилган китобни “пальтоси йиртилиб қолди”, гули ўчинқираган қўйлакни “гули сўлиб қолди” деб тушунтириш билан болага хос беғуборлик ва соддаликни очиб беради ҳамда бу орқали ўқувчи юрагига ҳам илиқлик олиб киради.

Хулоса. Бу омиллар шуни кўрсатадики, Шўҳрат халқ ҳаётини чуқур ўрганибгина қолмай, ўз устида тинимсиз ишлаган забардаст ижодкордир. Ёзувчи нафақат умумийда мавжуд иборалардан унумли фойдаланади, балки уларни маълум ўзгартиришлар асосида ёшартириб, маъно қирраларини очади. Бундан ташқари унинг ўзи ҳам янги-янги ибора ва ўхшатишлар яратиб, ўзбек адабий тили бойлигига маълум ҳисса қўшади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шўҳрат. Олтин зангамас. Роман. – Т.: Шарқ, 1995. – 199 б.

2. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Роман. – Т.: Шарқ, 1994. – 270 б.

УДК: 821.512.161

МЕҲМЕТ АКИФ ЭРСҮЙ – ЗАМОНАВИЙ ТУРК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЗАБАРДАСТ ШОИРИ

МЕХМЕТ АКИФ ЭРСОЙ – ПРЕДСТАВИТЕЛЬ СОВРЕМЕННОЙ ТУРЕЦКОЙ ПОЭЗИИ

MEHMET AKIFERSOY IS THE STRONGEST POET OF THE MODERN TURKISH POETRY

Азизова Нигора Бобир қизи

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

Таянч сўз: шоир, шеър, жанр, мадҳия, турк шеърияти, Сафохат.

Ключевые слова: поэт, поэзия, жанр, гимн, турецкая поэзия, Сафохат.

Key words: poet, poem, genre, anthem, Turkish poetry, Safohat.

Мазкур мақолада замонавий турк шеъриятининг йирик шоири М.А. Эрсўй ҳаёти ва ижоди ўрганилган. Хусусан, шоир шеърларининг мавзуси, мазмун ва моҳияти илмий тадқиқ этилган.

В данной статье исследованы жизнь и творчество крупного поэта современной турецкой поэзии М.А. Эрсоя. Определено значение наследия поэта.

This article studies the life and works of the great modern Turkish poet M.A. Ersoy. The significance of the poet's heritage has been defined.

Кириш. Танзимотдан кейинги турк халқи ижтимоий ҳаётида кескин бурилишлар юз берди. Жаҳондаги капиталистик муносабатлар, империалистик сиёсат бухронлари ичра собит туриш эҳтиёжи Туркия давлат сиёсатини ўзгаришга учраши учун сабаб бўлди. Айни пайтда катта миқёсдаги сиёсат, иқтисод, саноат соҳасидаги ўзгаришлар зарурати дунёвий илмлар эгаси, тадбиркор, ҳушёр, чуқур мушоҳада қобилиятига эга, тадбиркор бўлган янги турк кишининг майдонга келишини ҳаёт заруратига айлантирди. Натижада шундай мураккаб ва кенг миқёсли жараёнлар ичида яшаётган инсон ҳаёти янги турк шеъриятининг бош мавзусига айланди.

XX аср бошларида турк адабиётининг йирик драматурглари, носирлари ва шоирлари сермахсул ижод қилдилар. Жумҳурият адабиётининг кириб келиши эса ижод аҳлини янада тўлқинлантирди ва руҳлантирди. Туркия Жумҳуриятининг авлодлар оша бугунгача янграб келаётган мадҳияси ҳам ўша йилларда яратилган. Ватан, халқ мустақиллигига бағишланган давлат мадҳияси Жумҳурият даврининг ёрқин намоёндаси Меҳмет Акиф Эрсўй қаламига мансуб. Шоир нафақат Ватан, балки турли мавзуларда шеърлар, шеърий хотиралар ёзган.

Асосий қисм. Туркия давлат мадҳиясининг муаллифи, забардаст шоир Меҳмет Акиф Эрсўй 1873 йилда Истанбулда таваллуд топган. Унинг отаси Меҳмет Тоҳир Афанди Фотиҳ мадрасасининг мударриси бўлиб, Ипакли домла номи билан танилган. Меҳмет Акиф дастлабки диний ва дунёвий билимларини Фотиҳ мадрасасида, яъни отаси Тоҳир Афандидан олади. У тўрт ёшида маҳалласидаги бошланғич мактабга борди, кейинчалик ўқишини Фотиҳ номидаги ўрта мактабда давом эттирди. Ундан кейин уч йил лицейда таълим олди. У лицейни битириш арафасида отаси бу дунёни тарк этади. М. Эрсўйнинг